



- * Мирза қизик ХОЛМЕТОВ севган сариқ қиз
- * XXI асрда одам 300 йил яшаши мумкин
- * Ортиқча ҳаяжонланманг, шунда грипп бўлмайсиз
- * Қайнона-қайнота-келин учлигининг муаммолари



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 январь Чоршанба.
№ 6 (14288)

Фарғона вилоят Кенгаши сессияси

15 январь куни иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари республикаимизнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, қатъиятчилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқлигини қайд этди. Кейинги таҳлиллар вилоятда ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ислон Каримов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоят муттасил равишда пахта ва дон топишириш шартнома режаларини бажармай келаётгани, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетгани, қурилиш якунланмаган иншоотлар сони ортаётгани, ишсизлар кўпаяётгани бунинг далилидир.

Йўлбошчимиз вилоят саноати ва қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатнинг асосий са-

бабларидан бири, аввало, мулкка муносабатнинг ўзгармаётганида, хусусан, буйруқбозлик тизими сақланиб қолганида, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида эканлигига эътиборни қаратди.

Сессияда сўзга чиққан Қува тумани "Обидов" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Оминахон Исроилова, Марғилон шаҳар "Ёшлик" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анвар Мирзаев, Қўқон шаҳар "Мастона" ишлаб чиқариш ҳиссасдорлик жамияти раиси Адҳам Алимов, Қирғули тумани ҳокими Виктор Белоногов, Олтиариқ тумани "Нуробод" жамоа хўжалиги бўлим бошлиғи Лолахон Муродова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлқ тумани Х.Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Мамажонов, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ва бошқалар Юртбошимиз маърузасида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Н.Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Отабоевни Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Ҳамид Йўлдошев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

Бехзод УСМОН,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбирлари



ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Хурматли депутатлар!

Энг аввало сизларни демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда Фарғона вилояти ахли ишончини қозониб вилоят Кенгаши депутатлигига сайланганингиз билан чин юракдан табриклайман.

Ҳаммангизга сизларнинг саломатлиги, бахт-саодат, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омад тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб мен сизларга олдин ҳам айтган бир ҳақиқатни эслатиб қўймоқчиман: депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юкланган. У вилоятдаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир кўрсатиши, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиши, ҳокимликнинг ишини холисона баҳолаб, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўйи-рост гапириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи лозим.

Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини

оқлаш, улардан авваламбор ҳақиқий юртпарварлигини, ҳалол, фидойи бўлишни, ҳузур-ҳаловатдан воз кечишни, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳволдан хабардор бўлиш, тақдирига қўйинчаклик билан ёндошиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода халқ дарди билан яшашни талаб этади.

Биз XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқдик, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгиллаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олдик.

Бу устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа - мамлакатимиз сийсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Бу - аслида давлат қурилишида бошқариш ишларини ва маълум даражада ваколатларни аста-секин марказдан пастдаги бошқариш бўғинларига бериш, шунинг ҳисобидан уларнинг фаоллигини ошириш, шу жумладан, халқ депутатлари ма-

ҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, аввало, маҳалла тузилмалари, шунингдек, жамоат тузилмалари ваколатларини босқичма-босқич амалга ошириш ва уларга кўпроқ ишонч билдириш, деган маънони ифода қилади.

Албатта, марказий давлат тузилмалари, ҳукумат, тегишли вазирликлар тасарруфида ўзига хос муҳим вазифалар қолаверади. Шу жумладан, конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофизат қилиш, пул муомаласини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулк эгаларининг ҳуқуқларига, иқтисодий фаолият эркинлигига қанолат бериш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифалар ва бир қатор стратегик аҳамиятга молик масалалар қилиши табиийдир.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи

(Давоми. Аввалги 1-бетда)

Лекин бир нарсага аминман: маҳалла жамоаларига, унинг муаммо ва ташвишларига яқин бўлган идора ва ташкилотларга кўпроқ суяниш ва таяниш керак. Бу стратегик сиёсатимизнинг қатъий йўналиши бўлиши мукаррар.

Шуни ҳам ҳолисона тан олишимиз керакки, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ва ҳокимликларга ўз ҳудудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш соҳасидаги амалий фаолият олиб бориш учун берилган зарур ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Ҳар қандай эркинлик замирида катта масъулият ҳам борлигини сизлар яхши тушунасизлар деб ўйлайман.

Демократик, республика-мизнинг ҳар бир вилоятида эриш-лаётган ютуқлар ҳам, йўл қўй-лаётган камчиликлар ҳам энг аввало шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, керак бўлса, қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқдир.

Мухтарам дустлар!

Едингида бўлса, бундан уч йил муқаддам - 1997 йил 14 февралда бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг сессиясида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ҳалакат бераётган сабаблар ҳақида очик гаплашиб олган эдик.

Шунингдек, бир ой муқаддам шу ерда ўтган сайловолди учра-шувида ҳам Фарғона аҳлининг амалга ошираётган ижобий иш-лари, мамлакат тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини таъкидлаш билан бирга, ўз вақтида ҳал этилмаган ва ҳаммамизни ташвишлантираётган бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни батафсил ўрганиб, таҳлил қилиш ва ечимини топиш зарурлиги ҳусусида тўхталиб ўтган эдим.

Кейинги таҳлиллар вилоятда ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, бугун бундай вазиятдан чиқишнинг, вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг йўлларини кидириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ишмизнинг самарасини ошириш - барчамизнинг, шу юрда яшаётган инсонларнинг, аввало, халқимиз ишонган депутатларнинг бурчидир.

Имкониятлар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, қуйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак деб ўйлайман.

Аввало, аҳолини кўп ва тизги, ер майдони чекланган Фарғона вилояти учун ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири, б- саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришдир.

Афсуски, ҳозирги пайтда мавжуд саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмапти. Оқибатда ўтган йили 12 та йирик саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 582 миллион сўмга, 11 та саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 286 миллион сўмга пасайиб кетди.

Бу ҳолни Қувасой шаҳридаги "Қварц" ҳиссадорлик жамияти, Фарғона фуран бирикмалари ва суний тола заводлари, Учкўприк ва Бувайда туманларидаги тиквотрикотаж, йигирув-тўкув ҳиссадорлик жамиятлари ва "Ўзсаламан" қўшма корхонаси мисолида ҳам кўрамиз.

Нефть-ёнилғи материаллари, маъданли ўғит, кимёвий тола, қурилиш ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Ҳатто, республикада тилга тушган "Ўзсаламан" қўшма корхонасида пойафзал ишлаб чиқариш ҳажми

ўтган йилга нисбатан 17 фоиз пасайди.

5 та саноат корхонаси ўтган йили жами 653 миллион сўм иқтисодий зарар билан яқунлади. 1 миллиард сўмдан ортиқ микдордаги тайёр маҳсулот омборларни банд қилиб ётганининг ўзи ҳам бир қатор саноат корхоналари раҳбарлари бозор талабларини ҳисобга олмасдан, ҳамон эскича услубда ишлаб келаётганидан далолат беради.

Энг ачинарлиси шундаки, бир қатор саноат корхоналари ва ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли ўзгарди, аммо раҳбарларнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолди. Ахир акцияларни сотиш ҳисобида корхоналарга янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътиборсизлик билан қараётгани, вилоят бўйича ҳозиргача 400 миллион сўмлик акциялар сотилмай ётгани учун ким жавоб беради?

Вилоятда чет эл сармояларини жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳозиргача 9 та туманда бирорта қўшма корхона очиб режалаштирилмагани ҳам буни кўрсатиб турибди. Рўйхатдан ўтган 59 та қўшма корхонанинг 38 тасигина фаолият кўрсатяпти ҳолос.

Ишбилармон ва тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай шарт-шароит яратиш бериш, имтиёз-ли кредитлар билан таъминлашга ҳам етарли эътибор берилмапти. Натижада вилоят бўйича рўйхатдан ўтган 14 минг 317 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 6,5 минг-таси турли сабаблар билан тугатилган, 1 минг 644 таси вақтинча фаолият кўрсатмапти.

Ишлаб турган бундай корхона-ларнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмоқда.

Қадрли биродарлар!

Биз аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида кўп гапирармиз. Лекин вилоят бўйича янги иш жойла-рини ташкил этиш ҳамон энг асо-сий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этишга мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор бераётгани йўқ. Вилоятда 1999 йили бор йўғи 31 минг иш жойи ташкил этилди ҳо-лос. Ҳолбуки, бу ерда ишсизлар сони амалда бундан бир неча ба-рорбар кўп.

Яна бир ачинарли ҳол. 1998 йилга нисбатан умумтаълим мактаб-лари, тиббиёт муассасалари қури-лиши икки баробар, қишлоқларга газ тармоқларини ўтказиш эса 15 фоиз камайган. 1996-2000 йиллар-га мўлжалланган қишлоқ инфрату-зилмасини ривожлантириш дасту-ри бўйича белгиланган Охунбобо-ев, Ёзёнов, Сўх туманларида газ тармоқларини тортиш режаси зўрға 50-80 фоиз атрофида бажа-рилди.

Вилоятда кўп йиллардан бери қурилиши тугалланмаган 127 та объект мавжуд. Шундан 26 таси соғлиқни сақлаш, 29 таси эса халқ таълими муассасалари эканлиги ачинарли ҳол.

Хурматли депутатлар!

Қишлоқ хўжалигининг мамлака-тимиз иқтисодиётидаги ўрни қан-чалик юксаклиги тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча деб ўйлайман. Бу соҳа вилоят иқтисодиётининг ҳам асосий тармоғи ҳисобланади.

Лекин қишлоқ жойларда исло-хотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётгани, мулк-ка эгаллик масалалари ўз ечими-ни топмаётгани, деҳқонлар меҳ-натини хўжалик фаолиятининг пи-ровард натижалари билан боғлай-диган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, айниқса мо-ддий манфаатдорлик тамойилла-ри бузилаётгани қишлоқ хўжа-лиги ривожига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Афсуски, вилоят ҳокимлиги, бу соҳага мутасадди раҳбарлар замон талабини ҳис этмаётдилар. Буни қуйидаги ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Сўнгги тўрт йилда энг асосий тармок - пахтачиликда шартно-

ма режаларини бажармаслик вилоятда одат тусига кирди. 1996 йили бу кўрсаткич 80,3 фоиз-ни, 1997 йили 98 фоизни, 1998 йили 77,5 фоизни, 1999 йили 85,7 фоизни ташкил этди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик беш йил давомида 4 центнерга па-сайди.

Ўтган хўжалик йилида пахтачилик билан шуғулланадиган 14 та туман-дан атиги 2 таси - Олтиариқ ва Фарғона туманларига шартнома режасини бажарди ҳолос.

Бир хил шароит ва имкони-ятга эга бўлган қатор туманлар-да ҳосилдорлиқнинг пасайиши нохуш аънамага айланиб бораётга-ни жуда ачинарли ҳолдир. 1997 йили ҳар гектар майдондан 28-31 центнердан ҳосил олган Бувайда ва Данғара туманларида ўтган йили ҳосилдорлик 22-23 центнерга тушиб қолди.

Вилоятда сўнгги йилларда дон етиштириш ҳам сезиларли даражада камайиб кетган. Дон етиштириш режаси 1996 йили 89, 1997 йили 91,7, 1998 йили 83,2, 1999 йили эса 75,8 фоиз бажарил-ди ҳолос. Беш йил давомида суғо-риладиган майдонлардан олинаёт-ган дон ҳосилдорлиги гектарига 33-37 центнердан ошмапти. Ёзёнов ва Риштон туманларида эса бу кўрсат-кич атиги 25-27 центнерни ташкил этмоқда.

Бунинг асосий сабабларини аг-ротехника тadbирларининг ўз вақ-тида ўтказилмаслиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмас-дан, шўри ювилмасдан, уларни экишга тайёрламасдан уруғ сепа-лаётгани, техника воситаларининг ўрим-йигим мавсумига ўз вақтида сифатли ҳозирлаб қўйилмаганидан излаш керак.

Бу ҳақда доимо куйиниб гапир-амиз. **Лекин ахвол ўзгармапти.** Бир қатор туманларда ўтган йиллар-нинг хатоларини такрорлаш давом этмоқда. Бағдод, Сўх, Бувайда, Да-нғара, Ташлоқ, Ўзбекистон туман-ларида кузги дон экиш ишлари са-бабсиз равишда қўзиб юборилгани-га нима деса бўлади?

Катта имкониятлар борлиги-га қарамасдан вилоятда кар-тошка, сабзавот етиштиришда ҳам сезиларли ўзгариш бўлма-япти, мева етиштириш 1995 йилга нисбатан 2 ярим баробар, узум етиштириш эса 6,5 минг тоннага камайиб кетган.

Пиллачиликни ривожланти-ришга ҳам етарли аҳамият бе-рилмапти. Оқибатда ўтган йили 1995 йилга нисбатан 1600 тонна кам "қумуш тола" тайёрланди. Шу муносабат билан сизларнинг эъти-борингизни бир масалага қарат-моқчиман. Вилоят қишлоқ хўжа-лигидаги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, аввало, **қиш-лоқ жойларида мулкка муноса-батнинг ўзгармаётганида, хусу-сан, ер ўзининг ҳақиқий эгаси-ни топмаётганида деб биламан.** Чунки ер ҳақиқий деҳқоннинг қўли-да бўлса, ундан қутилган даражада ҳосил олиш мумкин.

Ҳолбуки, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ҳақида гап кетганда, **расмий ҳисоботларда** Фарғона вилоятида 165 та жамоа ва ширкат хўжалиги, 2 минг 113 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини то-паётгани қайд этилади.

Агар чиндан ҳам шундай бўлса, унумдор ер ҳақиқий деҳ-қон қўлига тушган бўлса, унинг самараси қани? Нега ҳосилдор-лик йил сайин камаймоқда? Ерга ишонган, ерга суянган де-ҳқоннинг нега қосаси оқармаяп-ти?

Бунинг сабаби шундаки, вилоят-да аввало қишлоқ хўжалигига оид қонунлар пала-партиш тарзда тур-мушга татбиқ этилмоқда. **Қонун та-лабларининг бажарилиши ҳеч қимни қизиқтираётгани йўқ.** Жа-моа ёки ширкат хўжалигида ишлар жамоа хоҳиш-ихтиёри билан эмас, балки **юқоридан тайинланган раҳбарнинг яқка ҳокимлигида олиб боришмоқда.**

Оқибатда деҳқон ўз тажрибаси-га суяниб, иқлим, ер шароитига қараб эмас, балки буйруққа бино-ан ишлашга мажбур бўлмоқда. Иш илмий асосда ташкил этилмаганли-ги, **уруғчиликка эътибор сусти-**

ги сабабли унумдор ерлардан ҳам паст ҳосил олинмоқда.

Яна бир мисолга эътибор бе-ринг. Вилоят бўйича 17 та хўжалик санацисига тушган эди. Давлат то-монидан молиявий ёрдам кўрсатил-ганига қарамасдан, бу хўжаликлар-дан 14 таси пахта, 8 таси дон етиш-тириш шартнома режаларини ба-жара олмади. Чунки бу борада ҳам мутасадди раҳбарларда янгиликка интилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини излаш, ташаббускорлик етишмаяпти.

Вилоятдаги 76 та жамоа хўжа-лиги ширкат уюшмаларига айлан-тирилган бўлсада, улардан 66 таси-га ҳалигача мулк пай гувоҳнома-лари тарқатилмаган. 53 та фермер хўжалиги эса ҳар хил сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бундай камчиликларнинг сабаби авваламбор **раҳбар кадрлар ма-саласига бориб тақалади.** Сўнгги уч йил мобайнида вилоят-даги 106 жамоа ва ширкат хўжали-ги раҳбари алмаштирилганлиги, бу борада жиддий камчиликлар мав-жудлиги ҳали ҳамон маъмурий буй-руқбозлик усуллари бартараф этил-маганлигидан далолат беради.

Қадрли депутатлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг йил сайин орқага кетаётгани албат-та аҳолининг турмуш даражасига ҳам салбий таъсирини ўтказди. **Ўз меҳнатининг самарасини кўрма-ган, вақтида маош ололмаган, рўзгорини тебратишга қийналиб** қолган фуқаронинг кўнглида албат-та раҳбарлардан норозилик кайфи-яти туғилади. Буни яширишнинг ҳожасти йўқ. Шунинг учун ҳам барча даражадаги раҳбарларнинг энг асо-сий бурчи мана шундай ҳолатлар-нинг олдини олиш, ҳар бир фуқа-ронинг меҳнат қилиши ва унинг са-марасини кўриши учун шароит яра-тиб беришдан иборат бўлиши ке-рак.

Бунинг учун эса вилоятда етар-ли имкониятлар бор.

Афсуски, **юқорида кўтарилган масалалар биринчи марта тил-га олинаётгани йўқ.** Вилоят Кен-гашининг 1997 йилги сессиясида ҳам бу ҳақда сўз юритилган, бу янги сайланган ҳокимлар олди-га вазифа қилиб қўйилган эди. Бироқ ҳалигача кўп соҳаларда муаммо муаммолигича, вазифа ва-зифалигича қолиб кетмоқда.

Ўзингиз айтинг, азиз биродар-лар, мен Президент бўлиб, менга ишонч билдирган халқнинг ҳаёти учун жавобгар шахс бўлиб, бундай ҳолга тоқат қилишим мумкинми? Ал-батта йўқ.

Хурматли депутатлар!

Сўнгги йилларда турли сабаб-лар билан вилоятингизда бир неча марта бўлишимга тўғри келди. Ҳар сафар мард, танти, меҳнатсевар ва саховатли фарғоналиклар билан уч-рашганимдан, дийдорлашганимдан беҳад хурсанд бўламан.

Аммо шу ўринда аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Менинг назаримда йил сайин **Фарғонадан фазл-баракат кўтари-лаётгандек, вилоят аввалги ма-вақини, илгариги ҳожибасини, тароватини йўқотаётгандек ту-юлади ва бу кўнглимни ғаш қилади.** Бу ҳолатнинг сабаби ни-мада экан, деб ўйлайман, қийнала-ман. Шунда, истаиманми-йўқми, **гап раҳбарларга, аввало, вилоят-нинг биринчи раҳбарига, унинг иш услубига бориб тақалади.**

Бу фикрнинг исботини респу-блика Олий Мажлисида ўтказилган сайловларда 3 нафар ҳокимнинг етарли овоз ололмасдан, депутат-ликка сайланмай қолганлигида ҳам яққол кўриш мумкин. Шунинг ўзи ҳам айрим раҳбарлар аллақачон халқнинг эътиборидан қолганини, ишончини йўқотганини очик-ойдин кўрсатмайдими?

Халқимизда **"Ўтган кунингни унутма, эски чорингни қурит-ма"** деган ибратли бир мақол бор. Бу - аслида ким эканлигининг, ман-саб курсисига ўтирмасдан олдин ким бўлганлигининг, лавозимдан тушган ким бўлаётганини унутма, камтар бўл, қадамингни билиб бос, халқнинг назаридан қолма, дегани-дир.

Бу ҳамманинг, айниқса, кат-та-кичик раҳбарларнинг доим ёдида туриши керак.

Вилоятдаги биринчи раҳбар-нинг мавқеи, салоҳияти, энг авва-ло, иқтисодий ислохотларни қай даражада амалга ошираётгани, ундан одамларнинг қай даража-да рози бўлаётгани билан ўлча-нади.

Бунёдкорлик, тараққиёт бор жойда, халқнинг руҳи кўтарила-ди, келажакка умиди кучаяди.

Иқтисодий орқага кетаётган жойдан эса, ободончиликни ҳам, кенг кўламдаги бунёдкорликни ҳам кутиш бефойда. Бундай жой-да халқ ҳам раҳбарлардан рози бўлмайди.

Кейинги йилларда Фарғона вилояти нафақат саноат, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки қурилиш ва ободонлаштириш иш-ларида ҳам бошқалардан орқада қолмоқда.

Нахотки, фарғоналик ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар республика-нинг бошқа ҳудудларида рўй бе-раётган ўзгаришларни кўрмаёт-ган, қалбларида ҳавас уйғонмаёт-ган бўлса?!

Ўзюкча бормай, кўнглингизга келмасин-у, шундоқ сизларга қўшни бўлган Андижон вилояти-ни олайлик. Иқлими, ер-суви, одамларнинг табиати, меҳнатсе-варлиги бир хил, аммо ўсиш, ўзгаришда катта фарқ бор.

Нега бундай? Нима, Фарғона вилояти раҳбарларининг ҳаваси, гурури, орияти йўқми?

Ҳавас бўлиши мумкин, лекин лаёқат бўлмаса, халқнинг боши-ни қовуштиришга, ғайратини кўзга-шга уқув, бошқача қилиб ай-тганда, ташкилотчилик бўлмаса - фойдаси йўқ экан.

Эсингизда бўлса, биз бундан уч йил илгари вилоятга янги ҳокимни тайинлаганимизда, зим-масига қандай масъулиятли вазифа юкланаётганлигини очик ай-тган эдик. Унга катта ишонч бил-дирган эдик. Ўтган давр мобай-нида унга камчиликларни тузатиш бўйича тақлифлар, маслаҳатлар бердик. Афсуски, у ўз вақтида айрилган танқид ва тақлифлардан тўғри хулоса чиқара олмади. Ий-рик муаммоларни ҳал этишда ло-қайдликка йўл қўйди.

Шу сабабларга кўра, халқ де-путатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси кун тартиби муҳокамасига ташкилий масала қўйилган экан, вилоят ҳокими Нуъмон Шодиевич Мўминовни вазифасидан озод этишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, вилоят тараққиёт-и, келажаги, халқнинг манфаати шуни тақозо этади.

Азиз дўстлар!

Фарғона халқига меҳр-мухаб-батим баландлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Мен ўзим севган, қадрлаган элнинг тинч ва осойиш-та, фаровон ва бахтли ҳаёт кечи-ришини, ўз меҳнатларининг роҳа-тини, ўстираётган фарзандларин-инг орзу-ҳавасини кўришини чин юракдан истайман.

Шунинг учун ҳам турмушдаги қийинчиликларни тезроқ бартараф этсак, мамлакатимиз иқтисо-диётини юксалтириб, халқимиз-нинг фаровонлигига эришсак, ҳар бир оила бой-бадавлат турмуш кечирса, деб ният қиламан.

Бу мақсадга эришиш учун эса ишимиздаги камчиликларни тез-роқ бартараф этишимиз, бир тан, бир жон бўлиб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилишимиз, бел-гиллаган режаримизни бажари-шимиз, кўзлаган марраларимиз-га тезроқ етишимиз лозим.

Мен азиз фарғоналиклар ме-нинг куйиниб айтган сўзларимдан, танқидий мулоҳазаларимдан ўзла-рига тегишли хулосалар чиқара-дилар ва барча соҳаларда ўзга-риш ясайдилар, деб қатъий ишо-наман.

Шу мақсад йўлида барчангиз-га куч-қувват, ғайрат-шижоат ва омад тилайман!



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 19 январь № 3 (60)

Бўёндан хотиржам бўл, ҳаммасига ўзини жавоб бераман. Сен фақат... ўзингни кўлга ол. Аялга сираям билдира
Айниқига зўрага етиб бордим. Рани

“Чимилдик”нинг ўтган сонида эълон қилинган “Шим кийманг, қизлар-жон” мақоласи менга жуда маъқул бўлди. Дарҳақиқат, ҳозир кўчаларда тор шим, калта юбкада юриш қизларга жуда урф бўлди. Наҳотки уларнинг

Мендан хафа бўлишмасин-у, айрим ёши бир жойга бориб қолган аёлларимиз ҳам шим киядиган бўлиб қолишган. Ярашган бўлса майлику-я. Назарим-

ЎЗИНГИЗГА ЯРАШАДИМИ?

кўчага чиқаришдан олдин кийимига эътибор бермасан? Ахир бу маданиятдан эмас-ку. Агар яхшилаб мушоада қилиб кўрсак, умуман калта юбка, тор шим Шарқ қизларига ярашармикан? Бизнинг ўзбек қизлари онажон, бувижонларига ўхшаб узунроқ, кенгроқ либослар кийишса бўлади-ку.



да бу хаёсизлик белгисидан бўлак нарса эмас. Инсоннинг энг аввало қалби гўзал бўлсин. Маънавияти қашшоқ одам башанг кийим-кечак билан чиройли бўла олмайди. Ўзини ҳурмат қиладиган аёлларимиз, қизларимиз ушбу танқидни тўғри қабул қиладилар, деб умид қиламан.

Насриддин БОТИР,
Тошкент шаҳри,
Ҳамза тумани,
М.Ҳасанова
кўчаси,
38-уй, 18 хонадон

ҚАЙНЭГАЧИМИГА ЁҚМАЙМАН

Турмушимиз ширингина ўтаётувди. Аммо шу яхши ҳаётингни кўролмайдиганлар ҳам бўлар экан. Эримнинг ўз опаси худди шундай инсон бўлиб чиқди. Ҳар гал уйимизга келганида, арзимаган нарсадан жанжал чиқаришга ва бунга албатта мени айбдор этиб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Мен эса дардимни ичимга ютиб, турмуш ўртоғимни кутардим. Чунки оилада мени фақат угина тушунар, доим далда берарди. Аксини олиб фарзандимиз бўлмади. Шу тариқа уч йил яшадик. Қайнэгам эса ҳамон келиб жанжал қилишни қўймасди. Ҳар гал атайлаб менга эшиттириб қайнонамга: “Она, ҳалиям унинг жавобини бермадингизми? Нимага олиб ўтирибсиз, туғмас келинни. Укамга бошқа хотин қуриб қолибдими? Йўқотинг. Ўзим онаси ўпмаганидан олиб бераман”, дея кўнглимни вайрон қиларди. Мен аламимни фақат кўз ёшлардан олардим. Кейинги вақтларда қайнэ-

гачим менга жуда меҳрибон бўлиб қолди. Уйдан олиб келган нарсаларини нуқул менга илинарди. Мен содда эса унга нисбатан меҳр уйғота олганимдан қувонибман. Лекин кун ўтган сари турмуш ўртоғимни ёмон кўра бошладим. Тезда жаҳлим чиқиб йиғлайдиган, гоҳида ўзимдан-ўзим куладиган одат чиқариб, қизлик уйимга кетиб қолдим. Менинг бу аҳволимдан хавотир олиб ота-онам дўхтирга, ундан сўнг муллага, фолбинга олиб боришди. Бир ой деганда ўзимга келдим. Уйимга қайтай десам ота-онам рухсат беришмади. “Келиб, ўзлари олиб кетишсин”, - дейишди. Турмуш ўртоғимни ҳар куни кутаман. Эшитишимча опаси уни уйлантириб қўйганмиш. Билмадим у аёлга нима ёмонлик қилган эканманки, менинг бошимга шундай қора кунларни солди.

ОРЗИГУЛ



шундан ҳам бахтли ҳисоблардик. Айниқса, ромларга, шон-шўҳратга эга эканлигимизни ҳамон кўра-кўра билардик. Ба

СЕВГИ ДАРДИ

Инсон биринчи бор сеvgи нималигини англаб етар экан, унинг орзулари кенгайиб, кушдек самога талпина бошлайди. Ёр васлига етишиш орзусида хаёлан у қорга, ёмғирга, қуёшга, ойга айлана бошлайди. Хаёлини фақат бир нарса қамраб олади: “Қор учқунларига айлансам-у, унинг майин қўлларида эрисам, ёмғир томчиларига айланиб киприкларига томчиласам-да кўзларини юмганда уни ҳис қилсам, қуёш бўлсаму, ҳар тонгда юзларидан силаб уйғотсам, ойга айлансаму оқшомда деразасидан мўралаб унга “хайрли тун” тиласам”.

Бу хаёллар оғушида инсон қалбини соғинч ўртайди. Дард азобга тўла бу кўнгил кимнидир, ниманидир қўмсай-

ди. Кечалари тўлиб тошаётган юрак ўқсиб-ўқсиб йиғлайди. Кун ўтгани сари кўнгил тўлиб-тошаверади, аммо ҳаёт ўша-ўша давом этаверади. Интизорлик билан тонг оттирасану, олдинда яна турли воқеаларга тўла кун эшик қоқиб туради. Кимнидир, ниманидир излагандай хонанинг у ёқ бу ёғига назар ташлайсану яна ишга чалғиб кетасан. Ора-орада хаёлингнинг ширин хотиралар бўлиб туради. Кўз очиб-юмгунча кун ҳам ўтиб, хотираларга тўла, ширин учрашувларни эслатувчи тун кириб келади. Деразанинг бир четидан мўралаб турган ойга боқиб сеvgилингнинг нигоҳларини излайсан.

Нилуфар ТУРКМАНОВА



УЙДА ҚОЛГАН КЕЛИНЛАР

Маҳалламиз янги бўлганлиги учун ёш оилалар кўп. Аксарият келинлар ишламайди. Улар эрталабдан токи эрлари ишдан қайтгунча кўчада бир-бирларига гап сотишдан бўшашмайди. “Дом”нинг ҳаёти, турмуши шундай: ҳовли супурмайсан, иссиқ-совуқ сув жўмакда оқиб турибди. “Зериккани”дан аёллар ташқаридан гап ташишга “мажбур” бўлишади.

Ўқишни битириб, бир кун ҳам ишламаган бир келинчақни биламан. У эртдан кечгача кир ювади, уй супуради, овқат қиладди ва шунга ўхшаш юмушларга ўралашиб қолган.

“Талабалик чоғимда ўқувчиларнинг сеvimли устози бўламан, деб ўйлар эдим, афсуски ёмон ўқитувчиси ҳам бўла олмадим” - дейди у афсус билан.

Кўпчилик қизларни ота-онаси юксак орзулар билан ўқитади, аммо турмушга чиққандан сўнг “меҳрибон”

хўжайинлари уларнинг ишлашига йўл қўймайди. Ота-она орага тушишга ҳайрон, қанча пул сарфлаб ўқитган, айтилса, қизининг бахтини ўйлайди. Баъзи бир эрлар, “Ишласанг бориб онангникида ишла”, - дейишдан ҳам қайтмайди. Бунда хоҳласа, хоҳламаса, барча албатта оиласини танлайди. Шу билан битта илмли касб эгаси уйда ўтиради.

Албатта, ажойиб уй бекаси, меҳрибон она, вафодор ёр бўлиш ҳар бир

қизнинг кўнгил тубидаги энг эзгу орзусидир. Аммо уларнинг сафига бирор-бир касб эгаси бўлишликни ҳам қўшиш мумкин-ку. Барчасини бирга олиб борса бўлади-ку. Келинларнинг фақат уйда ўтириши тўғрими? Умр йўлдошлари ишлашга рухсат бермаётган опаларини, келинкойиларини кўрган қизларда ўқишга қизиқиш қолармикан?

Ойдин РАХИМБЕРДИЕВА,
ТошДУ талабаси



Кўпдан буюн 3-ни севаман. Айтишга эса журъатим етмайди. Биз бинонинг бир қаватида ишлаймиз. Ҳар куни уни кўраман. Хонасидан шод кулгуларни эшитиб тураман. Ишлаб ўтираман-у, хаёлим у томонда. Ким билан гаплашяпти, олдидаги одам нимага унга парвона бўляпти.

Агар ҳаётим шундай давом этадиган бўлса жинни бўлиб қолишим ҳеч гап эмас. Яқин дўстларимга айтсам бўлар. Лекин 3-севгимни рад этсачи. Ўзимнинг ёқтирганим бор деса,

дунёим тугайди. Ахир у чиройли. Муомалалари ҳам бошқаларникига ўхшамаган.

3. “Чимилдик”ни доим ўқиб боради. Илтимос, шу мактубни чоп этинглар. Зора у ҳам мени ёқтирса. Ҳозиргача ўзига айтолмаган гапларимни ўқиб билиб олса. Шу ишингиз икки дунёси тор бўлаётган йигитга катта савобингиз бўларди.

БАХТИЁР,
Навоий

ни тикариб берди. Каттир ўзгариш қўлга олиб, ҳаётини салтанат кўздан кетираётган, Дошқонни



Мирзабек ХОЛМЕТОВ: "ЭНГ ЯХШИ МУҲАББАТ — ОИЛАДАГИДИР"

— Мирза ака, четдан қараганда сизни умуман дарди йўқ одам бўлса керак, деб ўйлаш мумкин.

— Шундай ҳаёл қилишгани учун аввало раҳмат. Лекин дардсиз одамни бу дунёда топиб бўлмаса керак. Ҳаммининг кўзида барча нарсангиз бадастир бўлсада, юрагинингизни ўртайдиган битта малҳам истаган оғригингиз бўлиши турган гап.

— Буни кўпчилик муҳаббатга йўяди.

— Балки шундайдир... Кимга қанақа.

— Ўзингиз севгига қачон дуч келгансиз?

— Кўп марта. Биринчиси ҳамма қатори мактабда бошланган. Кўшни синфда ўқийдиган бир қизни яхши кўрганман. Сап-сариқ, новча қиз эди. Ажралиб турадиган на хусни-ҳаловати бор. Ким билади менга унинг ғамаси ёқиб қолган экан. Яхши гапирарди, ҳазилкаш эди. Шунинг учун уни ҳурмат қилган бўлсам керак. Ёшлиқда кимни кўрсам севиб қолардим. Энди ўйласам, "чин муҳаббат" аёлингизгагина бўларкан. Сиз унга кераксиз, у

сизга. Шунинг учун эҳтиб яшайсиз.

— Сизнингча севиб оила қуриш яхшими?

— Бу ҳақда бир нарсани айтмайман. Мени хотиним билан ота-онамиз учраштиришган. Кейинчалик бир-биримизни жуда ёқтириб қолдик.

— Бировни кулдириш қийин, севдириш ҳам шундай. Жавобсиз севгиларга муносабатингиз?

— Назаримда муҳаббат жавобсиз қолмаслиги керак. Шу одам билан бахтли бўлишингизни билсангиз ўзингиз учун курашганингиз маъқул. Биз бевафо деб атайдиганимиз — қизларнинг муҳаббати ҳис-туйғуга боғланган бўлади. Лекин барибир аёллар муҳаббатига тиз чўкса арзийди. Баъзида билиб-билмай биз эркаклар улар бошига не савдоларни солмаймиз.

— Муқаддас туйғунинг қадрига етмаган пайтларингиз бўлганми?

— Бўлган. Бу учун кўпинча ўзимни айбламан. Янги тайёрлаётган дастуримизда шундай мисралар бор:

**Дарахтлар баргидан
жудо бўлганда,
Қайтадан топишар кел-
ганда баҳор.
Одамзот бахтидан жудо
бўлса-чи,
Қайтадан топиши бу**

амри маҳол.

— Тўғриси айтиш керак, санъаткорларнинг орасида бир кўришда севиб қолувчилар кўп топилади.

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Иккита-учтаси билан яшаётганлари ҳам бор. Буни мен қабул қила олмайман. Бундай ҳис-туйғудан иложи борида ўзимни олиб қочишга уринаман. Одатим шундай, биттани севдимми, битта билан ўтаман.

— Истайсизми, йўқми аёллар назаридасиз. Ҳар хил кўнғироқлар, мактублар бўлади...

— Ўшанда худога шукр қиламан, оилалиман. Болаларим мени кутиб ўтирибди. Келинойингиз раҳмчироқ. Жанжал қилмайди-ю, гап орасида узиб олиши мумкин. Ўзбекларда шундай чиройли ният бор: "Кўшганинг билан қўша қари" деган. Бу жуда катта гап. Оилада ишончингизни йўқотмасангиз бўлгани.

Гап келганда

айтиб қўяй. Ургут туманига ижодий сафар билан бордик. Сўх қишлоғидаги концерти-

тганда, яхши кўрган одамгина рашк қилади. Лекин ортиқча рашк оилани барбод қилиши ҳам мумкин.

— "Чимилдик" мухлис-ларига, тўғрироғи, ўзингизнинг мухлисларингизга қандай совғангиз бор?

— Оила ҳақида гапириб бераман. Суд бўляпти. Эрхотин ажрашмоқчи. Судья эрдан сўрабди: "Ўғил-қизингиз бор экан, нимага ажралмоқчисиз?" Эр дебди: "Хотиним тўғри келмаяпти." Шунда қайнона туриб: "Нимага ҳаммага тўғри келган қизим, бу кишига тўғри келмас экан," деган экан.

Мен ҳаётда қайнонамни жуда ҳурмат қиламан. Қайнонадан омадим чопган. Лекин ҳозирги сўзларим яхши қайноналарга тегишли эмас. Иккита қоплон бир қабиланинг чайласига кириб қолибди. Остонага қоплоннинг териси ёпилган эмиш. Ҳайрон бўлишибди. Ўзи қоплон бўлса, яна бу нимаси. Шунда уй эгаси уларни огоҳлантирибди: "Хушёр бўлинглар, бу қайнонамнинг териси".

ЛАЙЛО суҳбатлашди

мизда битта ҳам аёл йўқ. Эркаклар барибир чин мухлис бўла олмас экан. Ўшанда роса аёлларнинг қадри ўтган. Албатта, айтган латифаларимга.

— Мирза Холметов ҳаётда рашкчими?

— Келинойингиз тили билан ай-



Муҳаббат қасрини қуриш осон эмас. Чунки унинг ҳар бир гишти меҳр ва ирода, фидойилик ва одамийлик, сабр ва қаноатдан иборат. Бу каби фазилатлар эса баъзи бировларда йиллар ўтиши билан хира тортиши ёки йиллар сино-виге бардош бера олмаслиги мумкин.

Баъзилар муҳаббат ва вафо ҳақида кўп ва хўп гапиришади. Аммо ҳамма ҳам бу сўзларнинг замирида нима ётганлигини билавермайди. Бу саволларга

кин. Мен бугун икки дилнинг ардоғидаги туйғу — уларнинг муҳаббати ҳақида гапиришни лозим топдим. Токи ўша муҳаббат сабоқлари ёшларга ҳам ўрнак бўлсин.

Абдулҳақнинг истеъдодига тан берган Маннон Уйғур ўзи йигитчани Туркистондан Самарқанд шаҳар театрига олиб келади. Мақсад битта: Абдулҳақ Султонов театр сахнасида илк бор сахналаштирилган "Фарҳод ва Ширин" спектаклида Фарҳод образини яратиши керак эди. Ҳа, Абдулҳақ алпкелбат, кўзлари ўтли, овози таъсирли бўлиб, Худо истеъдоддан ҳам қисмаганди. Орадан кўп ўтмай, театрга Москванинг Вахтангов студияси-

фарзандлик бўлишди. Олам чаман бўлганда ўша кезлар. Муҳаббатнинг меваси бу қадар ширин ва эъзозли бўлмаса! Ундан кейин кетма-кет тўққиз фарзанд дунёга келди. Ҳар бири ўзга дунё, ўзга олам. 30-йиллардаги қаҳатчилик ёшгина оилани ҳам синовдан ўтказди. Икки фарзандлари хазон бўлди... Аммо муҳаббат ва умид ила яшаган хонадон сабр қилди. Аёли дўппи тикса, эрқаги бозорга олиб бориб сотди. Экин-тикин қилди. Оиласини зориқтириб қўймади. Муҳими, қийин дақиқаларда ҳам

синов кутиб турар эди. Абдулҳақ Султонов тузатиб бўлмас дардга чалиниб, ўн йилдан ортиқ тўшакка михланиб ётиб қолади. Бир кун бўлсада дард ила боши ёстикқа теккан одам балки Абдулҳақнинг ҳолатини озгина бўлса-да ҳис қилиши мумкиндир. Бир кунгина касал боққан одам Замирани тушунишга қодир. Аммо ўн йилдан ортиқ беморга қараб, уни ювиб, тараган одам ҳақида ёзишга қалам ҳам ожизлик қилади. Замира Ҳидоятова бир дақиқа ҳам турмуш ўртоғини ёлғизлатмади. Унинг таянчига айланди. Бир томчи ёшини-да Абдулҳақ кўрмади. Аёл бардошга айланди. Ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Йиллаб касалнинг кўнглига қараб Замирахон сахна-ни ҳам эплади, уйни ҳам, болаларини ҳам. Бу аёл ҳар қандай машаққатли дамларда ҳам чидамли бўлди, тушкунликка тушмади. Чунки унинг ёнида тоғдай бўлиб, севимли кишиси турган эди. Касал бўлса-да — ҳаёт эди, бор эди. Билинг, садоқат ҳақида ёзилажак достонларнинг қахрамонлари ора-мизда. Улар — Абдулҳақ Султонов ва Замира Ҳидоятова.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ

САДОҚАТ ДОСТОНИ

ҳаётнинг пасту баландини кўрган, турмуш чиғиригидан ўтганлар ва энг асосийси, қидирган инсонини топганларгина тўқис жавоб қайтаришлари мумкин.

Санъатсеварларга Замира Ҳидоятова ва Абдулҳақ Султоновларни таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу икки актёр ўзларининг бор куч-қувватлари ва ёшлик ши-жоатларини театрга берган эди. Уларнинг бу борада ўрнак бўларли хислатлари кўп. Замира ва Абдулҳақнинг истеъдоди ва фидойилиги ҳақида соатлаб сўзлаш мум-


ни тамомлаган ўзбекистонлик талаба қизлар ҳам келади. Улар орасида қирқ кокили дoston бўлган Замирахоним ҳам бор эди. Икки ёш бир неча ой бирга ишлаб, синашиб, турмуш қуришга аҳд қилади.

... Ёр-ёр айтилиб, тўй бошланди. Абдулҳақ Фарҳод мисол, Замира Ширин каби. Уларнинг севгиси, бири-бирига ҳурмат-эҳтиромлари тиллардан-тиллarga ўтган эди. "Ҳали эртасини кўрамиз", дея синовчан қараганлар ҳам топилган эди ўшанда.

Замирахон ва Абдулҳақ йил ўтмай

икки санъаткор сахнани тарк этмади. Улар жажжи фарзандларини ўзлари билан кечки пайт театрга олиб боришар эди. Замира сахнага чиққанида Абдулҳақ, Абдулҳақнинг роль ижро этиш вақти етганида Замира сахна ортида болаларга қараб турар эди. Театр жамоаси шаҳар ва қишлоқларга сафарга чиққанида ҳам улар ўзлари билан доим болаларини олиб юрар эди. Абдулҳақ Замирани жуда эъзозлар эди. Аммо...

...Фунчадайин гўзал хонадон, муҳаббатга "мағлуб" кўнгулларни яна бир



дориларга уришади. Ҳар қандай доридармонларни фақат шифокор тавсиясига кўра истеъмол қилиш керак.

★ Тўсатдан бўладиган асабийлик, ўта даражадаги ҳис-ҳаяжон ҳам шамоллаш касалликларига чалиниш хавфини кучайтиради. Кузатувларга қараганда, одамзот

шамоллашнинг яширин даври 12 соатдан 5 кунгача давом этади. Хасталикнинг ўзи 7-10 кунгача чўзилиши мумкин. Айниқса, бемор дастлабки 5 кунда жуда кўп марта аксиради.

★ Гриппнинг олдини олиш учун "С" витаминига бой маҳсулотларни кўпроқ

латиладиган қоғоз салфеткадан фойдаланинг. Ана ўшанда микроблар тарқалиши икки мартага камаяди.

★ Баъзилар шамоллаганда спиртли ичимликлар фойда қиладди, дейишади. Тўғри. Аммо, бундай ичимликлар организмдаги С витамини заҳираларини емиради.

★ Одам аксирганида одатда кўзини юмиб олади. Шунинг учун шамоллаб қолганда автомашина ҳайдашдан ўзингизни

тийинг. Агарда сиз машинани соатига 80 километр тезликда ҳайдаб кетаётган бўлсангиз-у, бирдан аксирсангиз, демак тахминан 30-100 метр йўлни кўзингиз юмилган ҳолда босиб ўтасиз.

★ Гриппда сут фойдали дейишади. Тўғри. Аммо у бурун суюқликларини кўпайишига ҳам хизмат қиладди. Бурним битиб қолмасин, десангиз, ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

★ Жисмоний машқлар, спорт билан унча ўзингизни зўриқтирмасдан шуғуллансангиз грипп тезроқ таслим бўлади.

★ Кекса кишилар кўпроқ шамоллайди, дейишади. Дунёда шамоллашнинг 200 хил тури мавжуд. Агарда одам ҳар йили камида 2 марта шамолласа, у 75 ёшга етгунча ўзида грипп хасталиклари етарли иммунитет пайдо қиладди. Демак, қариялар бундай хасталикларга камроқ учрайди.

★ Ўзингизни беҳол сезишингиз биланок гриппга қарши муолажани бошлаб юборинг.

"Дейли Мейл" газетасидан қисқартириб олинди

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН



ГРИПП

★ Грипп кимдан ва қандай юқади?

— Кўпинча хасталик биз умуман ҳаётда кўрмаган ва билмаган одамларимиздан

юқиши ҳам мумкин. Масалан, эшик тутқичи, автобус ушлагичи, телефон-автомат гўшагидан. Силлиқ предметларда қолдирилган хасталик вируси 2 соатгача яшайди.

Хаста бўлган одам билан кўришганингизда ҳам юқади. Масалан, сиз беморга кўл бердингиз, биров вақт ўтиб, кўлингиз билан бурнингизни қашлайсиз ёки кўзингизни ишқалайсиз. Микроб терингиздан вужудингизга кириб олади.

Тирноқ ости ҳам микробларни жамғаради. Шунинг учун кўлингизни тез-тез ювинг, айниқса кўчадан келганингизда ёки одамлар билан кўришганингиздан сўнг.

★ Энг яхши дори бу товук шўрва. Агарда унга саримсоқ пиёз, қалампир ҳам қўшсангиз, тезроқ тузалиб кетасиз.

Сал тузала бошлашингиз билан янги тиш чўткаси сотиб олинг. Чунки эскисида ҳануз яшаб турган касаллик тарқатувчи вируслар яна қора ишини қилиши мумкин.

★ Баъзи одамлар гриппдан тезроқ фориг бўлиш учун билиб-билмай ўзларини кучли антибиотик

ортиқча ҳаяжонланганда касал бўлмайди, балки сал кейинроқ организмда мудраб ётган микроблар уйғониб, одамнинг ҳарорати кўтариледи.

Англиялик олимларнинг фикрича,

истеъмол қилган маъқул.

Бемор аксирганда хасталик тарқатувчи вируслар 10 метргача бўлган масофага тарқайди. Шунинг учун аксирганингизда оғзингизга рўмолча тутинг, ҳеч бўлмаса, бир марта иш-

Бош оғриғига бош мия томирларида ва унинг атрофидаги пардаларда жойлашган рецепторларнинг таъсирланиши сабаб бўлади.

Соғлом одамнинг ҳам боши оғриши мумкин. Масалан, спиртли ичимлик ичганда, чарчаганда, офтобда исиб кетганида ёки дим хонада узок

Бош нега оғрийдими?



ўтиргандан бош оғриб қолади.

Мигрень туфайли пайдо бўлган бош оғриғи одатда одам тўйиб ухлаганидан кейин ўтиб кетади. Баъзиларга аччиқ чой, кофе, шунингдек, аналгин, но-шпа, димедрол яхши ёрдам беради. Мигрень ҳуружининг олдини олиш учун тоза ҳавода кўпроқ бўлиш керак. Шоколад, аччиқ овқатлар емаслик, спиртли ичимлик ичмаслик лозим.

Кўл-оёқ нега шившади?

Кечқурун уйкуга ётиш олдиндан кўп суюқлик ичиш соғлом одамларда шиш пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Кўпинча асал, шоколад, балиқ ва бошқа маҳсулотларга организм аллергия реакция берганда ҳам шиш пайдо бўлади. Шиш юрак ва буйрак касалликлари оқибатида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Миокарднинг қисқариш қобилияти бузилиши натижасида катта қон айланиш доирасидаги вена томири қонга тўлиб кетади, қил томирлар ички босими эса ортади, натрий тузлари тўқи-



маларга ажралади-да, ўша жойда тутилиб қолади. Миокард суст бўлганда шиш гавданинг пастки қисмида — оёқларда, белда, қорин деворининг олдинги қисмларида кечқурун пайдо бўлади, чунки кун бўйи "чарчаган" юрак кечга бориб ўз вазифасини яхши уддалай олмай қолади.

Кечқурун суюқликни камроқ ичиш лозим, шунда ҳам шишнинг йўқотишининг иложи бўлмаса врачга бориб маслаҳат олиш зарур.

Наҳорда ичилган сув, айниқса совуқ сув, газ сув, шунингдек, биров ширинроқ ичимликлар, биров шарбатлар ичак фаолиятини яхшилайдими, ични юришти-

ра-

ди. Шунинг учун қабзиятдан азият чекаётган кишиларга наҳорда бир пиёла совуқ сув ёки ширин совуқ шарбат ичиш тавсия этилади. Ёғли овқатдан кейин совуқ

сув ичиш зарарлидир. Ёғли овқат меъдада узокроқ туради, агар кўп сув ичилса, меъда янада тўлиб, чўзи-

либ кетади. Озишга ҳаракат қилаётган кишилар овқатланаётган пайтда сув ичмасликлари керак.

Хўл мева егандан кейин дарров сув ичманг. Чунки бунда ичак дам бўлиши мумкин.



НАХОРГА СУВ ИЧИШ ЯХШИМИ?

Тишингиз оғриб қолди, лекин врачга боришга имкониятингиз йўқ. Шу вақтда амидопирин, аналгин ёки аспирин таблеткаларининг бирортасидан кунига уч маҳал ичинг. Тишингиздаги овқат

АГАР ТИШИНГИЗ ОҒРИБ ҚОЛСА

қолдиқларини гугурт чўпи, тиш тозалагич билан олиб ташлангда, тиш ковагига аспирин таблеткасини майдалаб босинг, устидан пахта қўйиб қўйинг.

Саримсоқ ёки пиёзга туз қўйиб тайёрланган аралашма ҳам тиш оғриғини қолдириши мумкин. Бунинг учун саримсоқ ёки пиё-

зни майда тўғраб, бўтқа қилинг ва озгина туз қўшиб, яхшилаб аралаштиринг (икковидан тенг миқдорда олинг). Тиш ковагини овқат қолдиқларидан тозалангда, ана шу аралашмани

солиб, устидан пахта қўйинг. Туз яллиғланган жойда ҳосил бўлган экссудатнинг қайтишига ёрдам беради, пиёз ва саримсоқда эса бактерияларни ўлдирадиган кучли фитонцидлар мавжуд.

Асалари муми ҳам тиш оғриғини қолдиради. Тиш ковагини тозалаб, озгина асалари муми қўйинг.




ТИШ ТОШЛАРИ ЗАРАРЛИМИ?

Тиш тошлари одамга ҳалат қилмаса ҳам уларни олиб ташлаш керак. Акс ҳолда тишлар тез яроқсиз бўлиб қолади. Ҳар қандай ҳолларда ҳам тош тиш-милк халтачасини чуқурлаштиради. У милкни тишдан гўё нари суради, натижада тишларни ушлаб турадиган тўқималар бузилади, бу эса уларни қимирлайдиган қилиб қўяди.

Тиш тошларини нина, тўғноғич ва шунга ўхшаш нарсалар билан олиб ташлашга уринманг. Акс ҳолда тиш эмали бузилади ёки милк чети яралангани, натижада бу ерга инфекция тушади. Шунинг учун мутахассис шифокорга мурожаат қилинг.

Х.МАҲАМОВА тайёрлади



Баъзиларга эриш туюлиши мумкин: яна қайнона-келин ёки куёвдан ёмонлик кидирмайди. Лекин нима учундир қайнона-келин ўртасида низо чиқади. Умуман, ўзбекнинг оналари қандай келинни орзу қилишади? Саволларимизни Сумбула ая Абдуллаевага бердик. У Себзор даҳасида яшайди. 3 нафар келиннинг эрка қайнонаси.

Бирор гап кўтариб, олдимга келса, аввало айбни ўзимдан қидираман. Шуни сабр қилишга ўргатмадим, дея сиқилиб ҳам қоламан. Хуллас, она турмуш ҳақида, унинг пасту-баландликлари тўғрисида қизини ёшлигидан огоҳ этиши шарт. Иккинчи сабоқни эса келинпошшалар ён-атрофдаги тенгдошларидан олишади. Баъзи бир кизпошшалар бор, уйдаги гапни кўчага

турмушга чиқяпман. Фалон куни тўйга ташриф буюрасизлар" дея осмондан тушгандай хабар қилишларига кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

Оила қуриш ва уни сақлаб қолиш ҳам бир санъат. Катта мактаб. Унинг ҳар кунию сонияси сабоқларга бой. Агар ана шу санъатни чуқур ўргансангиз, оилангиз баркамол ва

бахтли бўлиши мумкин. Аммо бу нарсаси осонлик билан юзага чиқмайди. Лекин, яна такрор айтаман — бу биз ўзбекларнинг қон-қонига, жонига сингиб кетган. Ва бошқалардан бизни ажратиб турадиган энг асосий омил ҳам шу! Демак, яшасин қайнона! Бор бўлсин қайнона! Шу қатори келинлар ҳам

— Бировга ундай бўл, бундай бўл дея талаб қўйишдан осони йўқ. Лекин менинг келинларимдан сўраганим битта — у ҳам бўлса тилларини оғиз ичида сақласин. Муомалали бўлсин. Чунки, ташқаридагилар келиннинг биттагина сўзидан одоби тўғрисида хулоса чиқариб қўйишади. Бу кўча хандон-уй зиндон бўл, дегани эмас. Эрига, боласига, шулар қатори қайнона ва қайнонасига ҳам ширин гапирса, олам гулистон.

Кейинги пайтларда келин пошшалар ҳам ул-бул ишлар қилиб, тижорату шахсий фирмаларини очиб, пул топадиган бўлиб кетишди. Келинларим ҳам шу қатордан қолмаган. Уларга битта гап такрорлайман: топганингни миннат қилма, эрингги камситма, кўча ишини қойил қилган бўлсанг, уйни ҳам эплаб, саришта қилиб қўйинглр.

— Умуман, келин қандай шаклланади? Ким унга тарбия беради? — У илк сабоқини аввало онасидан

олиши керак. Мен ўз ҳаётимда қўллаган амалларимни сизга айтяпман. Қизларим бирор гап кўтариб, олдимга келса, аввало айбни ўзимдан қидираман. Шуни сабр қилишга ўргатмадим, дея сиқилиб ҳам қоламан. Хуллас, она турмуш ҳақида, унинг пасту-баландликлари тўғрисида қизини ёшлигидан огоҳ этиши шарт. Иккинчи сабоқни эса келинпошшалар ён-атрофдаги тенгдошларидан олишади.

Баъзи бир кизпошшалар бор, уйдаги гапни кўчага

Қайноталар куёвтураларга қандай талаблар қўйишлари мумкин. Бу саволга 70 ёшни қоралаган Абдулҳақ Саидолимов жавоб беради.

— Мен қоғоздаги қанддек асраб-авайлаб, катта қилган қизларимни бегонанинг қўлига шунчаки топшириб қўймаганман. Ўзбекчиликка тўғри келмаса-да, иккала қизимнинг бўлғуси турмуш ўртоқларининг ишхонасига бориб, кўриб келганман. Ҳатто, суҳбатлашиб ҳам кўрдим. Бир оғиз гаплашиб, одам ҳақида ҳамма нарсани

Келинлар, бўлажак келинлар қайнона ҳақида нима дейишар экан?

Севара, 17 ёш:

— Бўлажак қайнонам ёш бўлишини истайман. Чунки мен замонавий кийинишни яхши кўраман. Кўпчилик келинларининг одмигина юришини ишташди. Тавба, нима учун? Нима, шим ёки калта

юбка кийган билан одам айниб кетармиди? Ҳамма нарсаси ўзимга боғлиқ-ку.

Зиёда, 20 ёш:

— Тирноқнинг ичидан кир кидирмайдиган қайнонага йўлқай-да, деб ният қилганман. "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит" қабилида иш қилмай, бор гапни дангал айтиши тарафдориман.

Гулнора, 26 ёш:

— Мен ёлғиз ўғилга унаштирилганман. Келажак турмушимда фақат битта нарсадан кўркамман. Айтишларича, қайноналар бир ўғилли бўлса, келинидан фарзандини қизғонар экан.

Феруза, 31 ёш:

— Қайнонамнинг қўлига тушганимда, бировга тик қаролмайдиган қиз эдим. Роса келишолмай, жанжаллашганмиз. Кейин ўртада турмуш ўртоғим қийналиб қолганини кўриб, тилимни тиядиган бўлдим. Ҳозир қайнонам қорани кўрсатиб, "бу оқ" деса, оқ-оппоқ, ойижон дейман. Агар оқни кўрсатиб "бу қора" деса, "қора, қоп қора" дейдиган бўлдим. Қайтага яхши — қулоғим тинч.

ЯШНАР тайёрлади

ҚАЙНОНА-ҚАЙНОТА-КЕЛИН

кўтариб чиқишни одат қилган. Ана уларнинг дугоналари бир-бирини ҳаволатиб, пашшадан фил ясайдилар. Бўлар-бўлмас маслаҳат бериб, "тили йўқ" келиннинг "жағини очадилар". Келин гап қайтардим, бу яхшиликка олиб келмайдиган. Ҳар қандай шароитда ҳам келин "хўп" деб кетиши керак.

— Ноҳақликка учраганда ҳамми?

— Иложи бўлса. Бўлмаса, бир-икки кун, тала-тўпалон босди-босди бўлгунча сабр қилиб, кейинчалик босиги билан, қайнона ё қайнота жаҳдан тушгандан кейин дардини айтсин. Тушунмайдиган одам йўқ. Келинчакларга маслаҳатим — икки йил чиданг, у ёғи ўтиб кетади!

билиб бўлмайди-ю, ҳар қалай умумий хулосалар чиқариш мумкин.

Куёв қандай бўлсин? Энг аввало — мард эркак бўлишини истардим. Босик, оғир-вазмин. Тамизли. Ундан ташқари оила бошлиғи эканликлари доимо ҳис этишларини хоҳлайман. Менинг фарзандларимни зориқтириб қўямасин. "Тузли тўрва" бошларига тушса, кўтариб кетадиган бўлсин.

Мана, қўшнимнинг куёвини айтай. Беш-ўн сўм топиб, "шишиб" кетди. На хотин-бола-чақасини, на ота-онасини менсимайди. Дангиллама ҳовли-жойи, машиналари бор-у, бахт йўқ хонадонда. Эй, болаларим, топганингизга шукр қилинг, ичманг, қаноат ила яшанг демокиман.

СИНЧКОВМИСИЗ?

Кузатувчан одамлар ниманики кўрса ўйлайди, фикрлайди, таҳлил қилади. Сиз кузатувчанмисиз? Қуйидаги тест саволларига берган жавобларингиз бу сўровимизга жавоб беради.

1. Аёлларнинг хушбичим, қимматбаҳо сумкаси ўз соҳиби ҳақида нима дея олади?

А) ишидан кўра кўпроқ ўзига зеб беришни ёқтиради (3);
Б) ўйчан ва ишчанлигини (2);
В) у ишда ҳам шундай бежиримлигини (1).

2. Агарда аёл сумкасини қўлтигига кистириб юрса бу нима аниглайди?

А) уятчанлигини (2);
Б) мустақил фикрли ва жиддийлигини (3);
В) ўзига етгунча ақли борлигини (1).

3. Амалдорнинг қоши ўртасидаги чуқур ажини нимани аниглайди?

А) жиддий ходим эканлигини (3);
Б) жоҳил ва узоқни кўра олмаслигини (1);
В) яхши амалдорлигини (2).

4. Суҳбатдошингизнинг пешонаси кенг ва тўғри бурчак шаклида бўлса:

А) у қайсарлигини (2);
Б) дангасалигини (1);
В) ишончли ва ишчан ходимлигини билдиради (3).

5. Агар суҳбатдошингиз кўзингизга тик қараб турса:

А) унинг сизда кўнгли борли-

гини (3);
Б) сиздан ўзини юқори қўйишини (2);
В) сизнинг олдингизда ўзини паст тутишини аниглайди (1).

6. Танишингиз қадамини катта-катта ташлаб, шахдам юради:

А) у бетакаллуп ва ўзини босиб тура олмайди (2);
Б) у ўзига ишонмайди (1);
В) у сизга дўст ва очикқўнғил (3).

7. Танишингиз гапирётганида бармоқлари асабий букилган бўлса, демак у:

А) гапга кўна қолмайди (3);
Б) уятчан ва кўнғилчан (1);
В) қаттиққўл ва мурасасиз (2).

8. Агарда ҳамкасбингиз сўзларингизни қўлларини чалиштирган

ва бошини сал орқага ташлаган холда тингласа:

А) у ўзига ишонади (3);
Б) ноқулай аҳволда эканлигини яшироқчи (2);
В) унча-мунчага ишонмайди (1).

9. Агар суҳбатдошингиз қўлларини мушт қилганча, сизга юқоридан қараса:

А) унча сизнинг суҳбатингиз маъқул эмас (3);
Б) у сизни ёқтирмапти (2);
В) у суҳбат мавзусидан ҳаяжонда (1).

10. Агарда бошлигингиз бирор нарсани тушунтираётиб, бармоқларини кисирлата бошласа:

А) у фикрларини изҳор этишга қийналади (3);
Б) мақсадини аниқ баён этишга уринмокда (2);
В) гапирётган мавзуини яхши тушунади (1).

Натижалар:

Ушбу жавобларга бироз киноя, кулги билан қарашингиз ҳам мумкин. Чунки одамнинг кимлигини унинг бир-икки ҳолатига қарабгина билиш мушкул. Демак:

7 тадан кўп балл тўпладингиз. Сиз одамларнинг имо-ишоралари, қарашларига эътиборсиз қарайсиз. Бекор қиласиз. Чунки бу арзимас ҳолатлар ҳам баъзида мураккаб вазиятларни тушунишингизга ёрдам бериши мумкин.

8 тадан 21 баллгача. Сиз одамларнинг ҳолатларини кузата оласиз. Бироқ ҳар доим ҳам вазиятларни тўғри баҳолай олмайсиз. Демак, ҳар бир воқеа-ҳодисани таҳлил қилиб юринг.

22 тадан 30 баллгача. Кўпчилик сизга синчковгина эмас, балки вазиятларни олдиндан кўра оладиган одам сифатида қарашади. Чунки сизнинг яқун ва хулосаларингиз доимо тўғри чиқади.

ГўЗАЛИК ҚУРБОНИ БЎЛМАНГ

бўёқларини қўллашда айниқса эҳтиёт бўлишлари керак. Касаллик зўрайиб кетмаслиги учун киприк, қовоқни бўяш мумкинми-йўқми, бу ҳақда ҳам врачдан маслаҳат олиш зарур бўлади.

Агар кўзга туш томоса унинг шиллиқ пардасининг ўткир яллиғланишига олиб келади.

ЎСМОР ҚИЗАЛАР ҚАРВАЗГА МУҲТӨЖ ЭМАС

Айниқса 14-16 ёшли қиз чиройли бўлиш учун юзига суртган



бўёқлар тескари таъсир қилиб, юзни дағал қилиб қўяди. Лаб бўёқларидан эрта фойдаланиш ҳам табиий рангини кетқизиби, майинлигини йўқотади. Улар лаблари ёрилганда, қуриб кетганда лаб бўёқ суртишлари мумкин. Шунда ҳам бўёқни катталар суртадиган хилидан эмас, балки лабни қуриб кетишидан сақлайдиган, махсус юмшатадиган бўёқдан.

Агар юзга ҳуснбузар тошса, у билинмасин деб юзга турли ёғупа суртишдан фойда йўқ. Бундай қилган билан ҳуснбузар йўқолмайди. Яхшиси тери хасталиклари врачига учранг.

ХОНБИБИ тайёрлади

Хурматли тоғон **ПАЗИЗ** ака **САОДАТОВ** ва келин **МУҲАББАТ** она **МИНГНОВОРА**! Сизларни 17-23 январ тава�луд кўнларингиз билан таъриқлайман! Мушман кўннингиз билан таъриқлаб, Яқинларингиз номидан **Феруза КУВАНОВА**

Севинми ҳурмат **АЗИЗАХОН**! сени тава�луд тоғон кўннинг билан таъриқлайман. Ота-онани ваъзига сөг-омон бўл. Буванг, бувинг ва тоғонг **Муродхўжа**!

"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ
ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ШАХНОЗА
САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

УЗА **Х А Н О Й.** Филиппин сенати раиси Блас Опле ҳукуматни сўл экстремистлар томонидан АҚШ ҳарбийлари рига нисбатан террорчилик уюштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Маълумки, феврал ойи бошида АҚШ ҳарбийлари билан Филиппин куролкорлигида ҳарбий машқлар бошланади. Террорчилик ана шу машқлар даврида амалга оширилиши мумкин, дейилади мазкур хабарда.

Ж А К А Р Т А. Индонезия ҳукуматининг мамлакатда барқарорлик ўрнатилгани ҳақида баёнот беришига қарамай, ўтган кеча-кундузда ҳам Молукки оролида юз берган тартибсизликлар оқибатида камида уч киши ҳалок бўлди. Хабарда айтилишича, насронийлар билан мусулмонлар ўртасида юз берган тўқнашувда ўқотар куроллар ишга солинган.

Мана бир неча ойдирки, Молукки оролида икки дин вакиллари қарама-қаршиликлари тўхтамапти. Ўтган йили юздан ортиқ киши ана шу тартибсизликларнинг қурбони бўлган эди.

Ж Е Н Е В А. Швейцариянинг Берн шаҳрида тиланчилар тобора кўпайиб бормоқда. Ушбу муаммодан қутулиш учун шаҳар ҳокимияти ўзига хос йўл топди. У ҳам бўлса шаҳар аҳлини тиланчиларга садақа бермасликка чақиришдир. Швейцариянинг барча шаҳарларида тиланчиларга садақа узатиш қонун томонидан таъқиқланган. Фақат Берн шаҳридагина садақа бериш мумкин.

Б О Г О Т А. Ўтган якшанба куни Колумбиянинг бир қанча минтақаларида ҳукумат қўшинлари билан исёнчи гуруҳлар ўртасида жанглар бошланиб кетди. Ҳарбий кўмондонликдан маълум қилинишича, жанглар шиддатли тус олиб, ўтган куннинг ўзиде олти нафар ортиқ киши ҳалок бўлган.

Т О К И О. “АУМ Синрикио” диний оқими ўзи амалга оширган жиноятлар оқибатида жабрланганларга товон тўлаш учун мол-мулкни сотишни режалаштирмоқда. Бироқ, кўпчилик мазкур диний оқим аъзолари оғир жазодан қутулиб қолиши учун шундай йўл тутмоқда, деб ҳисобламоқда. Чунки, яқин келажакда янги қонунчиликка асосланган ҳолда уларга қаттиқ жазо белгиланиши мумкин.

Л О Н Д О Н. Яқиндагина Буюк Британияда тарқалган “Сидней” гриппи фарбий европаликларни ваҳимага солиб қўйган эди. Энди эса бу минтақада менингит касаллиги тарқала бошлади. Ушбу хавфли касалликни илк қарши олганлар яна британияликлар бўлди. Маълум бўлишича, менингитни тарқатадиган бактерия Буюк Британияга Канададан келган. Дард устига чипқон, деганларидек, “Сидней” гриппи менингитнинг тарқалишини тезлаштиради.

К Р А С Н О Я Р С К. Россиянинг Красноярск ўлкаси солиқ полицияси бўлими бошлиғи Владимир Шахов маҳаллий журналистни ўлдирганликда айбланиб ҳибсга олинди.

Ўлка прокурори Нина Казакевичнинг таъкидлашича, бундан тўрт йил аввал “Сегодняшняя газета” газетаси муҳбири В.Шаховнинг ноқонуний равишда қурилган дала-ҳовлиси устидан текширув олиб боргани учун ўлдирилган. Шунингдек, В.Шахов хизмат ваколатини суиистеъмол қилганликда айбланмоқда.

И С Л О М О Б О Д. Афғонистондаги “Толибон” ҳаракати Чеченистон мустақиллигини тан олгани ва Аслан Масхадов ҳукумати билан дипломатия муносабатлари ўрнатганини эълон қилди. “Толибон” ҳаракати маъмурияти ташқи ишлар вазири Вакил Мутавакил Афган Исламик Пресс агентлигига берган интервьюсида шундай деди.

лантириш, инсоний заҳираларни ўзлаштириш, биржа операцияларида ўзаро ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат.

Шунингдек, Жанубий Осиё фонд биржалари иттифоқининг биринчи конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Непал, Бутан ва Бангладеш фонд биржалари вакиллари иштирок этди.

И С Л О М О Б О Д. Бу ерда Покистон ижроия ҳукумати раҳбари Парвоз Мушарраф бир гуруҳ сенаторлардан иборат АҚШ делегацияси билан учрашди. Покистонда демократия ўрнатилади, деди у суҳбат чоғида. Унинг айтишича, мамлакат иқтисодини тиклаш ва ижтимоий тараққиётга эришиш йўлида ҳукумат томонидан керакли чора-тадбирлар кўрилади. Бундан ташқари, жорий йилда демократик асосда маҳаллий сайловлар ўтказилиши кутилмоқда.

П Р А Г А. Эрон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик Чехияга муаммо келтириб чиқарди. АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати Чехиядан Эронга машинасозлик маҳсулотлари сотишни тўхтатишни талаб қилди. Таъкидланишича, Чехияда ишлаб чиқарилган машина, дастгоҳ ва бошқа техник ускунаю жихозлардан Эрон ўзининг ҳарбий қудратини ошириш, янги янги куроллар ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин. Агар Чехия бу талабга кўнмаса, унинг НАТО билан муносабатларида жиддий муаммолар вужудга келиши аниқ. Ҳарбий блокка аъзо айрим давлатлар томонидан иқтисодий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Ҳозир Чехия саноати қийин аҳволни бошдан кечирмоқда. Фарбда унинг маҳсулотларига талабгор кам, шу боис шарқий мамлакатлар, жумладан, Эрон билан ҳамкорлик ҳаётий заруратга айланган. Бордию ушбу савдо-иқтисодий алоқа узилса, Чехия корхоналари юзлаб иш ўринларини қисқартиришга мажбур.

Р И М. Италияда ҳар олти ишчидан бири ноқонуний равишда меҳнат қилар экан. Мамлакатда 3,42 миллион киши, яъни иш билан банд аҳолининг 15,2 фоизи яширин тарзда ишлайди. Бу ҳол нафақат савдо ва иқтисодиёт соҳасида, балки ижтимоий жаҳаларда, жумладан, оммавий ахборот воситалари ва алоқа тизимида ҳам кузатилган. Ноқонуний меҳнат қилувчиларнинг аксарияти чет элликлар бўлиб, улар ишчи сифатида расман рўйхатдан ўтмаган.

С Я Н Г А Н. Хитойнинг Гуандун вилояти полицияси ўғирланган ва деҳқонларга сотилган 35 нафар болани излаб топди. Болалар асосан бир ярим ёшдан олти яшаргача бўлиб, турли шаҳарлардан ўғирланган. Хабарларга қараганда, полиция ушбу жиноятга алоқадор 28 кишини ҳибсга олган. Сўроқлардан маълум бўлишича, биргина Гуйян шаҳрининг ўзида 60 нафар бола ўғирланган. Жиноятчилар ҳар бир бола учун 10 минг юан (1,2 минг АҚШ доллари) олган. Уларнинг асосий харидорлари бефарзанд деҳқонлар бўлиб, айримлари кул сифатида ишлатиш учун ҳам сотилган.



Вазирнинг маълум қилишича, Қандаҳор шаҳрида “Толибон” ҳаракати етакчиси Муҳаммад Умар “Чеченистон вакили” Зелмихон Яндарбиевни қабул қилганидан сўнг Чеченистон мустақиллигини тан олишга қарор қилинган. Шунингдек, учрашувда Афғонистонда А.Масхадов ҳукуматининг дипломатия ваколатхонасини очишга “расман” рухсат берилди.

С Т Р Е Ж Е В О Й. 16 январ куни кечаси Россиянинг Томск вилояти Стрежевой шаҳрида “Томскгазстрой” акциядорлик жамияти бош директори Артур Фрицлер ўз хонадониде номаълум жиноятчи томонидан отиб ўлдирилди.

Маҳаллий милиция ходимларининг маълум қилишича, қотиллик буюртма асосида амалга оширилган. Қидирув ишлари бошлаб юборилди.

К И Е В. Украина президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Полшага келди. Ташрифнинг биринчи куни Л.Кучма билан Полша президенти Александер Квасневски ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш ва виза тартиби билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.


Д А К К А. Бангладешнинг Читтагонг шаҳрида Жанубий Осиё фонд биржалари Иттифоқи тузилди. Читтагонг фонд биржаси президенти Муҳаммад Чоудхури иттифоқнинг биринчи раиси этиб сайланди.

М.Чоудхурининг таъкидлашича, иттифоқни тузишдан мақсад Жанубий Осиё мамлакатлари фонд биржалари ўртасида ҳамкорликни ривож-

1.Урчуқнинг бир тури. 2. Олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқ. 3. Ёкутистондаги дарё. 4. Поэзиянинг хис-туйғу, кечинмаларни ифодаловчи тури. 5. Бир авлодга мансуб кишилар. 6. Исо динидаги одам. 7. Хотинларга бош кекса аёл. 8. Инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. 9. Хароб, бир ишнинг тугатилиши. 10. Қобиғи олинмаган қамишдан тўқилган қалин дағал тўшама. 11. Яхшиликни билмайдиган, ноинсоф. 12. Қадди-қомати келишган ва зебо. 13. Осиёдаги давлат пойтахти. 14. Ўзбек мумтоз шоираси. 15. Юнонистонда оғирлик ва пул бирлиги. 16. Чиройли ва аниқ ёзадиган одам.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

БОШҚОҲАТ



ЖУМБОҚ-НИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 8 январь сониде эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Корм.
2. Рама.
3. Марм.
4. Рунг.
5. Ном.
6. Танк.
7. Арра.
8. Торп.
9. Гашт.
10. Ақча.
11. Гимн.
12. Граф.
13. Соат.
14. Шамс.
15. Арча.
16. Бунт.
17. Барф.
18. Тўрт.
19. Мўрт.
20. Ўсма.
21. “Фут”.
22. Фасл.
23. Сўна.
24. Назр.
25. ЗАГС.

I
Жавобсиз севгининг умри бадбахтдир,
Жавобсиз севгининг манглайи қора.
Оҳ, нечоғ лаззатдир, нечоғ роҳатдир,
Сенинг томонингдан бўлмоқ масҳара.

Илиқ ёшлар билан... Етар энди, бас.
Мен жимжит яшашга ўзни кўндирдим,
Саволсиз... Жавоб ҳам энди шарт эмас...

Сени паноҳ дедим... Билсам, муқаррар,
Тутиб берибман-ку бошим сиртмоққа.

Наҳот мангу эрур менга бу азоб!
Қора, эски тўндай рангим ўнгиган.
Сиртмоқ-да, тортилмас бўйнимда шитоб,

III
Саргардон йўлларда дилим чанг ютар,

ПОЙИНТДАГИ БЕШ ЯПРОҚ

Куляпсан — аянчли менинг гапларим,
Бу ўйин менда ҳам кўрсатар кучин —
Алам-ла тортила бошлар лабларим,
Ўзимнинг устимдан кулмоқлик учун...

Елкамда тин олар гоҳ ёмғир, гоҳ қор.
Шамоллар сочимни сийпалаб ўтар,
Сенинг қўлларингдай майин, беозор.

Тебранади тинмай кўзим ўнгида...

II
Сенинг кўзларингда гурур ва шодлик,
Менинг кўзларимда букулган савол.
Бу икки кутбда шундай яшадик —
Бир ёнда кўкармиш, бир ёнда завол.

Кунлар имилларкан беталваса, тинч,
Тўсатдан яна сен... Яна ўша ҳол...
Чиқиб келаверар ярадор илинж
Кўксимга тирмашар печакгул мисол...

V
Нега жим турибсан узокдан боқиб,
Нега кўзларингда шаффоф аламлар?
Ишқ ҳаққи, шу голиб муҳаббат ҳаққи
Нега босилмайди зарур қадамлар?

Кўзимни беркитдим — уни ўлдирдим—

IV
Армон — ваҳший кўзли, баҳайбат аждар
Оғзин очганича мени ютмоқда

Шўртлак лабларингда титроқ бу палла,
Лек жим бўл, гуруринг асрасин тишлар —
Ўкраб юбормаслик учун баралла
Лабларингни тишла, қаттиқроқ тишла...

Кўндал муъжизаси

МЕН АСЛИ

Мен асли ҳеч бир гап айтмоқчимасдим,
Фақат кетмоқчийдим сиз билан бирга.
На дунё, на дилда бор эди қасдим,
Ҳадик-ла боқмасдим ишқ деган сирга.

Юлдузлар сачраган этагингизни
Энди тушларимда кўриб юрибман.
Умрим йўлларида соғиниб сизни,
Юлдуз синиқларин териб юрибман.

Ёнгин МИРЗО,
Фаргона вилояти,
Кува тумани

XXI АСР КАШФИЁТЛАРИ

Би-Би-Си мухбирлари дунёнинг етакчи олиму уламоларини янги йил арафасида саволга тутишади: XXI асрдан қандай кашфиётлар кутилмоқда? Олимларнинг жавоблари эса кутилмаган бўлди. Тингланг: генетика ва биология соҳасида туб бурилиш юзга келади. Олимлар ҳомила етиштирадиган махсус орган яратиш "ларидилар". Ушбу мосламалар аёллар билан бир қаторда эркеклар ҳам фойдаланиши мумкин.

Генетик тажрибалар натижа-сида инсон умри 300 йилга узайтирилиши кутилмоқда.

Фазовий соҳада эса энг эътиборга молик кашфиёт натижасида оддий одамлар Марс ва Куёш системасининг қолган сайёраларига саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар. Ойда фазовий меҳмонхоналар қуриш мўлжалланган. Физика соҳасидаги кашфиётлар натижасида ўта кучли қуёш батареялари ишлаб чиқилади. Улар ёрдамида коинотда қуёший шамол тезлигида ҳаракатланиш мумкин бўлади. Компьютер технологияси соҳасида эса инсон миёсининг бевосита компьютер билан алоқаси кўзда тутилмоқда. Натижада ўйлаб топилган дунё ва биз яшаб турган ҳаёт ораси бир қадам бўлиб қолади. Айтишлари-ча, янги асрда ўлмас ва сўнмас онг ҳам яратилар экан.

ҲОМИЛА БЎЙЛАБ "САЁҲАТ"

АҚШнинг Дьюкс университети Тиббиёт марказида янги ускуналар магнитрезонанс микроскоп яратилди. Унинг ноёблиги ва шов-шувга сабаб бўладиган жиҳати шундаки, янги ускуна ёрдамида она қорнидаги эмбрионни бемалол кўриш ва инстал-ган маҳал унинг энди шаклланиб улгурган аъзолари бўйлаб "саёҳат" қилиш имконига эга. Янги услуб шифокорларга катта имконият яратди. Улар энди бир неча кунлик ҳомилани қатма-қат текширишлари ва унинг ҳар кунги ривожланиш даражасидан бохабар бўлишлари мумкин. Илк бора ушбу янги микроскоп ёрдамида 64 кунлик, 30 миллиметр "ўзунликдаги" ҳомила суратга олинди. Врачлар ҳатто эмбрионнинг томир-томирига кузатиш имкониятига эга бўладилар. Бу қувон-



МЕДАЛ ЭМАС, ТАЖРИБА МУҲИМ

Ўзбекистон каратэ терма жамоаси 20-23 январь кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетишди. Ўн бир нафардан иборат терма жамоамиз вакиллари республика каратэ миллий федерациясининг президенти 6-ДАН соҳиби Нурхон Нафасов бошчилик қилмоқда.

— Жорий йилнинг илк мусобақасида аксарият 17-18 ёшли каратэчилар иштирок этапти, — деди Н.Нафасов "Туркистон-пресс" мухбирига. — Бундан кўзланган мақсад, бўлғуси масъулиятли мусобақалар, яъни шу йилнинг октябрь ойида Мюнхенда (Германия) ўтказиладиган жаҳон чемпионати ҳамда 2004 йилда бўладиган Рим олимпиадаси каби муҳим беллашувлар олди-дан ёшларимизни синаб кўришдан иборат. Париж халқаро турнирига бораётган терма жамоамиз таркиби билан бошқа мамлакатларнинг 25-35 ёшли тажри-

бали спортчиларини енгиб, юқори натижаларга эришмоғимиз қийин, албатта. Шундай бўлса-да, биз медаллар ортидан қувишни эмас, балки ёш каратэчилар тажрибасини ўстиришни, эртанги кун учун замин тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бугунданок ишга киришмасак, эртага кеч бўлади. Ўйламанки, ўзбек йигитлари нималарга қодирлигини жаҳон майдонларида кечадиган келгуси баҳсларда очик кўрсатади.

Мазкур халқаро турнирда Элёр Дадамирзаев, Фарҳод Аҳмедов, Умид Ҳакимов каби иқтидорли ёш спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

"БАРСЕЛОНА" МУРАББИЙИ ФИФАДАН РАНЖИДИ

Ўтган ҳафтада Бразилияда низоҳасига етган 8 жамоа ўртасидаги клублараро жаҳон биринчилиги баъзи футбол мутахассисларида норозилик кайфиятини туғдирди. Каталониянинг "Барселона" жамоаси мураббийси Луи ван Галь ҳам мазкур биринчиликни салбий баҳолаб, ФИФА бу турнирни таъсис қилиш воситаси билан "футболни ўлдирмоқда", деб айблаётди. — Чунки, — деди Луи ван Галь журналистлар билан суҳбатда, — ўтказиладиган мусобақалар зарарига янги бир биринчиликни "ихтиро" қилишнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Бунинг оқибатида футбол ўлади. Мазкур биринчиликка ўз вакиллари юбориш мақсадида Испания ва Англия футбол жамоалари бошқа иштирокчиларидан фарқли ўлароқ, айна пайтда қизг-

ин кечаётган мамлакат биринчилигига бўлган қизиқишини мажбуран қурбон қилишмоқда. ФИФАнинг янги турнир ташкил этишдан олдин етакчи футбол клублари билан маслаҳатлашмагани Ван Галнинг ҳақлини чиқарди. Маълумки, Испания чемпионатида Мадриднинг "Реал" клуби "Барселона"нинг асосий рақиби ҳисобланади. Мадридликлар клублараро жаҳон биринчилиги ҳисобига миллий чемпионат жадвалидаги иккита ўйинни бошқа кунга қўчиришга ҳамда мамлакат кубоги баҳсларидаги биринчи давра ўйинларини ўтказиб юборишга мажбур бўлган. Қолаверса, мазкур жамоа ўтказилган жаҳон клублараро биринчилигида ҳам совринли ўринни эгаллай олмади.

"Туркистон-пресс"

Самарали ҳамкорлик

Хитой Халқ Республикасининг "Hwasen" компанияси "Бухоро ипаги" очик турдаги ҳиссдорлик жамияти билан қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартномани имзолади. Унга кўра шу йилнинг апрель ойидан бошлаб мазкур компания 100 минг кассета Хитой ипак курти уруғини келтириб, шу ерда олий навли, жаҳон стандарти талабларига мос пилла етиштириб беради. Хитойлик ҳамкорлар ипак курти парвариш қиладиган барча хўжаликлар аъзоларига олдиндан юз фоиз пилла пулини тўлайди.

Хорижлик шериклар 2001-2003 йилларда Бухорода ипак мато, ипак газлама ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирипти.

Илҳом Сафар,
ЎЗА мухбири

ЖОНЛИ ЗУЛФЛАР

Бразилиянинг Сан-Паула шаҳрида истиқомат қилувчи Андреа Ирландеснинг соҳига ҳамма ҳавас қилади: зулф толалари қалин, узунлиги эса икки метрга яқин! Афсуски, бу бойлик Андреанинг ўзига катта таъшиш келтирипти. Сабаби, унинг соч толалари жонли. Яъни ҳар бир тола тирик тўқима ва қон томирларидан ташкил топган. Мабодо бир тола соч қирқиб ташланса, худди ярадан қон томгандай, сочдан ҳам зимиллаб қон оқа бошлайди. Оғриқни айтмайсизми... Шунинг учун ҳам муъжизавий соч эгаси уларни кесиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашиб тарайди. "Болалигимда онам пешона сочимни қисқартирганларида, оғриқдан ўзимни ташлаб юборган эдим" деб хотирлайди Андреа.

Герландес хоним ҳақида ўнлаб илмий асарлар ёзилган. Тиббий кўриклар уюштирилган. Шифокорлар кучли нарқоз остида аёл сочларини кесиш мумкин демоқдалар. Аммо Андреа бу ҳақда эшитишни ҳам истамайди. Юраги қолмаганда, бечоранинг.

чли кашфиёт касалликларни она қорнидаёқ аниқлаб даволаш имконини беради.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.